

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 12 ФЕВРАЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРАТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



# НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2019-й. 14-ФЕВРАЛ, №7 (1152)

JARAYON

**ҲАМШИРАЛАРДА  
ПАТРОНАЖ  
СУМКАЛАРИ  
ЕТАРЛИМИ?**

3

**ҲОЖАТБАРОР  
НИҚОБИДАГИ  
ШАҲС ЕТИМГА  
ҚОЛГАН УЙНИ  
ЎЗЛАШТИРИБ  
ОЛДИ.**

6

**ОТАНИНГ  
ҚИЛИҚЛАРИДАН  
БЕЗГАН ЎФИЛ  
ХАЛҚ НАҚЛИГА  
АМАЛ ҚИЛИШНИ  
ИСТАМАДИ.**

9

**МИБ  
ХОДИМЛАРИ  
ИЖРО  
ДАВОМИДА  
САВОБЛИ  
ИШЛАРГА ҚЎЛ  
УРИШМОҚДА.**

10

## Давра суҳбати муҳокамасида АДВОКАТЛИК ИНСТИТУТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2019 йил 8 февраль куни "Тараққиёт стратегияси" марказида адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Бош прокуратура, Адвокатлар палатаси вакиллари, "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат ҳуқуқий ташкилотининг (Словения) халқаро экспертлари ҳамда адвокатлар иштирок этди.

Давра суҳбати мамлакатда адвокатларнинг мақоми ва процессуал ваколатларини кенгайтириш, уларнинг дахлсизлигини ишончли таъминлаш борасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларни ҳамда соҳанинг келгуси вазифалари ва истиқболларини конструктив муҳокама қилиш учун ташкил этилди.



Адвокатлар ўртасида ўтказилган аноним сўровнома натижалари асосида баён этилган маълумотлар қонунни қўллаш амалиётида мавжуд вазиятни танқидий баҳолаш учун жиддий сигнал ҳисобланиши таъкидланди.

Шу билан бирга, Бош прокуратура вакиллари томонидан адвокатларнинг касбий фаолиятига тўсқинлик қилиниши ва тазйиқ ўтказилиши ҳолатлари содир этилганда, бу ҳақида хабар бериш учун очиқ ва шаффоф мурожаат механизми яратилганлиги, адвокатларнинг бундай мазмунда-

ги ҳар бир мурожаати шахсан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори назоратида индивидуал ва шаффоф тартибда кўриб чиқилиб, қонуний баҳо берилиши қатъий таъминланиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, давра суҳбати давомида Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Шу муносабат билан, янги тахрирда тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси доирасида адвокатларнинг процессуал мақоми янада мустаҳкамлаш бўйича таклиф-

**Шерали МАҲМУДОВ,**  
Бош прокуратура бўлим  
катта прокурори

лар муҳокама қилинди.

Муҳокама яқунлари бўйича томонлар суд, прокуратура органлари ва адвокатлар ўртасидаги конструктив ҳамкорлик ва бу соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг таъсирчанлигини таъминлаш ҳамда адвокатларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш учун керакли шароитларни яратиб зарурлигини таъкидлаб ўтишди.

DOLZARB MAVZU

**КЎПЧИЛИК  
«УЙҚУ»ДА**



**Ўзбошимчалик билан  
қурилган 569 534 та  
турар жойдан 274 297  
таси ёки 48 фоизи  
бўйича аризалар  
келиб тушган, холос.**

**ФУҚАРОЛАРМИ ЕКИ МАСЪУЛ ИДОРАЛАР?**

# ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

## БАРЧА СОҲА ВАКИЛИГА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАДИ

Даврнинг шиддат билан ўзгаришига, ҳар кун, ҳар соат эмас, балки ҳар дақиқада янгиликлар содир бўлишига ўргандик. Чунки, Юртбошимиз раҳнамолигида халқимиз бепарволик, лоқайдлик, деган иллатлардан халос бўлиб, ташаббускорлик, яратувчанлик ва бунёдкорлик тушунчаларини чин маънода ҳаётга татбиқ этиш механизми — ҳалол меҳнатда, тадбиркорликда эканлигини англаб етди.

тингланган, матбуот орқали ўқиган ҳар бир юртдошимиз суҳбатда, кайфиятда шу юртда яшаётганлигидан ифтихор, фахр туйғуларини илғаш қийин эмас.

Бинобарин, Мурожаатномада ҳар бир соҳа чуқур таҳлил қилиниб, дахлдор йўналиш харитадек тузиб берилди. Миллий Армиямиз, Куролли кучлар, таълим тизими, мактабгача таълим, тиббиёт, тадбиркорлик ва кичик бизнес, қўйинги, ҳар бир тизимнинг 2019 йилдаги намуна эмас, балки келажакда қилиниши лозим бўлган, эътибор қаратилиши зарур бўлган томонлари кўрсатиб ўтилди. Жумладан, "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб номланган жорий йилда инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётни жадал ривожлантиришга эришиш мумкин.

Иқтисодий барқарорлик таъминланса, аксарият ижтимоий муаммолар ўз ечимини топиши ҳам табиий ҳол. Мурожаатномада таъкидланганидек, "...иқтисодий ислохотлар негизда очик иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш; иқтисодиётда давлат

/// Яширин цехларни  
/// хомашё билан  
/// таъминловчи 30 та  
/// манба фош этилди.

иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш; иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш; "яширин" иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш; валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатини амалга ошириш; иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вази-

Баҳодир АБДИКАРИМОВ,  
Департаментнинг Бухоро вилоят  
бошқармаси бошлиғи

фаларни рўёбга чиқаришга қодир маалаки кадрларни тайёрлаш" масаласи мужассам.

Ўтган 2018 йилда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари томонидан "хуфиёна" иқтисодиётга қарши курашиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни кучайтириш ва сифатсиз маҳсулотларнинг бозорларга кириб келишининг олдини олиш бўйича ўтказилган тадбирларда 74 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Мазкур яширин цехларни хомашё билан таъминловчи 30 та манба фош этилган. Шунингдек, чет эл валюта маблағларининг ноқонуний равишда чиқиби кетиши, олиб қилиниши ва ноқонуний банкдан ташқари муомаласи борасида бошқариш ва ҳудудий бўлимлар томонидан валютага оид жами 214 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган. Ноқонуний муомаладан 195,4 минг АҚШ доллари, 702,6 минг Россия рубли, 622,4 миллион ўзбек сўми ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Рақамлардан кўришиб турибдики, макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлашда ҳали бу йўналишдаги фаолиятимизни янада такомиллаштиришимиз, натижалар самарадорлигини оширишимиз зарур. Айни йўналишда Мурожаатномада белгилаб берилган устувор вазифалар соҳа ходимлари зиммасига қатъи масъулият юклади, десак, хато бўлмайди.

Олдимизга қўйилган устувор вазифаларни тўла адо этиш, кўзланган юксак марраларни забт этиш, қолаверса, халқимизни рўзи қилиш учун, аввало, Мурожаатномада қайд этилган ҳар бир банд, ҳар бир талаб ижросини ўз вақтида бажариш борасидаги масъулиятни унутмаслигимиз шарт. Зеро, ушбу Мурожаатнома ҳар бир соҳа ходимлари фаолиятининг дастуриламали бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилнинг 8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ҳамда Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Миробод тумани мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда "Маънавий юксалиш ва ҳарбий ватанпарварлик" куни муносабати билан Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган 154-мактабда "Ўқувчи ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш" шiori остида тадбир ўтказилди.

# Ёшлар — бўлажак Ватан Ҳимоячилари

Акрамжон ХОЛДОРОВ,  
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

Тадбирдан кўзланган мақсад — ўқувчи ёшларда ватанпарварлик, бурчга садоқат, ҳушёрлик ва огоҳлик туйғуларини мустаҳкамлаш, Куролли Кучлар мамлакатимиз ҳавфсизлигини ишончи гарови эканлигини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Мазкур тадбирда иштирок этган ўқувчи ёшларга бугунги кунда мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш, жамиятдаги тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, миллий армиянинг жанговар қобилияти ва шайлигини ошириш, армия ва халқнинг ақдрилигига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида айтиб ўтилди. Шунингдек, ўқувчи ёшларга Куролли Кучлар мамлакатимиз сарҳадлари ҳавфсизлигининг ишончи гарови эканлиги тушуинрилди.

Тадбир якунида 154-мактабнинг ўқувчи ёшлари ўзларини қизқитирган саволларга атрофлича жавоблар олишди.

AKS SADO

# ЎЗИНИ ШЕР БИЛГАН ЭРНИНГ ВАЗИФАСИ

«Нидо» газетасининг 2019 йил 7 февраль кунги сонига чоп этилган «Совчиликка мажбурланган аёл жонига қасд қилди» сарлавҳали мақолани ўқиб, жуда таъсирландим.

Аллоҳ таоло эркакларга оиладек муқаддас кўрғонга раҳбарлик қилиш вазифасини юклади. Шу билан бирга, эркакларни руҳий ва жисмоний жиҳатдан аёллардан фарқи қилиб, уни оила раҳбари бўлишга муносиб ҳолда яратди. Эркакларнинг ўз зиммаларидаги вазифаларини адо этишлари оиланинг тинчлиги ва бахту саодатига сабаб бўлувчи энг катта омилдир. Афтидан, А.Қаландаров ўзининг эрлик, оталик ва оила бошлиғи сингари вазифаларини унутган кўринади. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло ўз каломи шарифида шундай марҳамат қилади.

"Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар" (Нисо сураси, 34-оят).

Дарҳақиқат, эркакларнинг зиммасига ахли аёл нафақаси фарздир. Минг афсуслар бўлсинки, баъзи эркаклар ояти қаримдаги зикр қилинган раҳбарликни қаҳр, ғазаб, зулм ва жабр учун бир фурсат деб

биладилар. Аслида эса бу раҳбарлик улкан масъулиятдир. Бу хусусда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларининг бирида: "Киши ўз қарамоғидагиларини нафақасиз ташлаб қўйиши унинг қаттиқ гуноҳкорлигига кифоя қилади", деб марҳамат қилганлар, (Абу Довуд ривояти).

Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда баъзи бир оила бошлиқлари айни шу масалада ўз вазифаларини унутиб қўймоқдалар. Ҳатто баъзиларини ориятсизлик билан ўз хуфту халолларини ўзга юртларга бориб, ишлаб пул топиб келишга мажбурлаётганликлари ва аёлининг толган маошига кун кечираётганликлари ҳам маълум бўлмоқда. Бундай ҳолатларнинг пайдо бўлиши ачинарлидир.

Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: "Бир кишига Аллоҳ таоло кенглик қилиб молу давлат берсаю у киши ўз аҳли аёлига торлик

қилса, у биздан эмасдир", деганлар (Имом Дайлабий ривояти).

Ахли аёлга нафақа бериш энг муҳим ва савобли ишлардан эканлиги ҳақида Жобир розияллоҳу анху ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

"Қиёмат куни тарозуда биринчи тортиладиган нарса кишининг ахли-аёлига қилган нафақасидир" (Имом Табароний ривояти).

Шу билан бирга, аёли беомор бўлганда дори-дармон олиб бериш, шифокорга кўрсатиш кабилар ҳам эрнинг зиммасидаги вазифалардандир. Аёли касал бўлса, отасининг уйига олиб бориб қўйиш ҳолатлари ҳам кўпаймоқда. Соғлик пайтида уйдаги, томоққадам, даладами ишлатиб, камига бозорга чиқариб, бетоб бўлиб ишга ярамай қолганида, парваришга муҳтож бўлиб турганида ота уйига олиб бориб қўйиш, ортдан хабар олмаслик, меҳнатга ярайдиган бўлганда олиб кетиш инсофли эркакнинг иши эмаслигини унутмаслигимиз керак.

Энди эса эрнинг аёли олдиди маънавий вазифаларини бер-

нинг баъзилари ҳақида тўхталиб ўтасак. Улар қуйидагилардир:

Аёли билан чиройли муомалада бўлиш. Аллоҳ таоло ўз каломи шарифида қуйидагича марҳамат қилади:

"Улар билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб қўйингки,) балким сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин" (Нисо сураси, 19-оят).

Динимиз ўз аёлларига нисбатан яхши муносабатда бўлган эркакларни инсонларнинг энг яхшиси қаторига қўшади. Бу хусусда Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бундай марҳамат қилганлар:

Ойша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: "Сизларнинг ичингизда энг яхшининг ўз ахли аёлига нисбатан яхши муносабатда бўлганингиздир. Мен эса ўз ахлимга сизлардан кўра яхшироқ муносабатдаман" (Имом Термизий ривояти).

Албатта, ҳар тўқисда бир айб деганларидек, инсон зоти айбу нуқсонлардан холи эмас. Шундай экан, эркакларга ўз аёлларининг айбларини бер-

китиб, оиланинг бардавом ва бахтиёр бўлишини кўзда тутган ҳолда уларга вақти-вақти билан панду насихат қилиб туришлари лозим бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: "Ҳеч бир мўмин аёлини ёмон кўрмасин. Агар унинг хулқ атиридан бирини ёқтирмаса, бошқа хулқини ёқтириши мумкин" (Имом Муслим ривояти).

Эркаклар ўз хотинига нисбатан ҳар томонлама эътиборли бўлишлари зарур. Ўз аёлига бепарволик оилада катта муаммолар чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Одатда эридан меҳр ва эътибор кўрмаган аёлда эрига нисбатан хурматсизлик ва итоатсизлик ҳисси тугулади.

Демак, аёлдан меҳр ва итоат кутган ҳар бир эр ўз хотинига ҳам меҳрли ва эътиборли бўлиши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ер ота-онаси ва бошқаларнинг гапига кириб, ўз аёлига зулм қилиши ва талок қўйиши динимиз кўрсатмаларига мутлақо зиддир.

Беҳзод НОРКУЛОВ,  
Чироқчи тумани бош имом-хатиби

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларига арият, жамиятни маънавий янгилаш, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий юксалишни таъминлашга қаратилган. Ушбу жараёнларда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари ҳам фаол иштирок этиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг давлат бошқаруви органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

нафари эса стационар тарзда даволашни таъминланди.

Аҳолини иқтимоий ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган тadbирларда 273 га яқин прокурор нazorати ҳужжатлари қўлланилиб, 175 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 61 нафар шахснинг интизомий жавобгарлик масаласи ҳал қилиниб, 67,2 млн. сўмдан ортиқ етказилган зарарлар ихтиёрий ундирилди. Мазкур ишлар якунига кўра 20 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Прокуратура томонидан "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" ги Қонун ва шу масалаларга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ҳам тизимли ўрганиб борилди. Ўтган йилда Республика бўйича ишсизлар сони 64464 нафарни ташкил қилиб, улардан 47421 нафари меҳнат органларига иш сўраб му-

шининг 2018 йил 30 июндаги 415-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан ёшлар тadbиркорлигини ривожлантириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси, "Ёшлар келажакимиз" Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича ҳудудларга бириктирилган Республика ишчи гуруҳи аъзолари таркиби тасдиқланди.

Ишчи гуруҳлар томонидан шаҳар ва туманлардаги жами 410 та маҳаллаларда уйма-уй юриш асосида ёшларга оид 22,2 мингта муаммо мавжудлиги аниқланиб, шундан 9,5 мингтаси жойида ҳал этилди, қолган 13,8 мингтасининг ечими бўйича туман-шаҳарлар кесимида "Йўл хариталари" ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ёш тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жойлардаги ўрганишларда 640 та бино ва ер участкалари бўш тургани аниқланди. Tadbir-

фар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

Масалан, Қўнғирот туманида рўйхатдан ўтган "Dilshoda Servis" хусусий корхонасида Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси Қўнғирот тумани бўлими томонидан ноқонуний равишда текшириш ўтказилиб, корхона раҳбари Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 88-моддаси 3-қисми билан асоссиз равишда жавобгарликка тортилганлиги ҳолати аниқланди. Шу боис прокуратура томонидан ушбу қарорни бекор қилиш ҳақида протест келтирилиб, бўлим мухтассиси И.Юсупов маъмурий жавобгарликка тортилди.

Жинойатчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш прокуратура органларининг фаолиятидаги яна бир муҳим йўналишлардан бири бўлиб

JARAYON

# БУНЁДКОРЛИК — БУЮК МАҚСАДЛАР САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан ўтган 2018 йил давомида 3956 та прокурор нazorати ҳужжатлари қўлланилиб, 6253 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Прокурор протестлари асосида 400 та қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилиниб, уларнинг 942 таси қонун талабларига мувофиқлаштирилди. Қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш юзасидан 804 та тақдимома киритилди. Қонун бузилишига йўл қўйган 3442 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, суд-

рожаат қилган. Шундан 24609 нафари ишга жойлаштирилган, 1273 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ташаббуси билан 2018 йилда шаҳар ва туманларда 176 та "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, уларда 6875 та корхона ва ташкилотлар 28227 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Мазкур соҳага оид қонунлар ижроси юзасидан меҳнат вазири ва унинг қўйи тизимларида 29 та текширишлар ўтказилиб, ноқонуний ҳужжатларга нисбатан 140 та протест келтирилди ва 21 та тақдимома киритилди. Натихада 81 нафар масъул шахс интизомий ва 47 нафар масъул шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 151 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ" Дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-tadbirлар тўғрисида" ги ҳамда 2018 йил 27 июндаги "Обод маҳалла" дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида" ги қарори ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси туманларида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Режага кўра, "Обод қишлоқ" дастури доирасида 233,2 млрд. сўмлик маблағ йўналтирилди. Дастур доирасида 9408 та яқка тартибдаги аҳоли уй-жойларида 61,124 млрд. сўм миқдорда таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Ҳозирги кунга келиб 7727 та уй-жойларда 48,574 млрд. сўм миқдорда таъмирлаш ишлари, шу жумладан, оғир шароитда яшаётган 196 та оилаларнинг уй-жойларини хашар йўли билан таъмирлаш ишлари бажарилди.

Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги "Ёшлар келажакимиз" Давлат дастури тўғрисида" ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазиrлар Кенга-

кор ёшларга 18 та бўш турган бино ажратиб берилди. Жумладан, Қораўзақ тумани "Есим" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган қозонхона биноси ёш тadbirкор Нурлан Базаровга "ноль" қийматда, Тахтақўпир тумани "Қараой" овул фуқаролар йиғинида жой-

Хидир ҚАРИМОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори

Республикада йилига 4 минг тонна балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган консерва ишлаб чиқариш комплекси ишга туширилади.

лашган бинодан 3 та хона эса ёш тadbirкор Гулсум Утемисовага ижара тўловисиз ажратиб берилди.

Бундан ташқари, ёшлар тadbirкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш мақсадида 2 та "Ёшлар меҳнат гузари" қуриб битказилди. Гузарлар ишга туширилиши натижасида 30 та иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг тadbirкорлик фаолиятини жадал ривожлантиришда прокуратура органларининг роли ҳақида гапирар экан, "Тadbirкор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шароит яратиб беришимиз лозим. Прокурор тadbirкорга қўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор", деган эди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари ҳам тadbirкорлик соҳаси вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборни янада кучайтирди.

Тadbirкорларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келадиган 19 та ноқонуний қарор бекор қилинди, қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан 23 та тақдимома киритилиб, 37 на-

ҳисобланади. Олиб борилган тadbirлар натижасида ўтган йил давомида умумий жиноятчилик Республикада 31,2 фоизга камайишга эришилди. Республикадаги 411 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг 134 тасида умуман жиноят содир этилмаган.

Президентимиз ўтган йил Қорақалпоғистон Республикасига сафари чоғида Мўйноқ тумани аҳолиси билан учрашиб, тумани янада ривожлантириш юзасидан бир қатор вазифаларни белгилаб берган эди. Қолаверса, Юртбошимиз БМТ Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳондаги давлатларнинг эътиборини Орол муаммосига қаратгани, 2018 йил 27 ноябрда БМТ мажлисида Траст фондининг ташкил этилиши халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

Айниқса, ўтган йил 15-16 декабрь кунлари Қорақалпоғистонда биринчи марта таба "Янги Мўйноқ — янги инвестициялар" шиори остида ўтказилган ивонтициявий бизнес форуми ўзгаришлар сари қўйилган илк қадам бўлди. Унда хориз инвесторлари Мўйноқ учун ишлаб чиқилган лойиҳалар билан танишишди, улар билан ҳамкорликда иш олиб боришга кел-

Тadbirкор ёшларга 18 та бўш турган бино ажратиб берилди.

лишиб олинди. Туман аҳолисининг турмуш шароитларини янада яхшилаш, денгиз сувининг қуриши билан юзага келган экологик хатарни юмшатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, тумандаги консерва ишлаб чиқарадиган балиқчилик комплекси ишга тушганидан сўнг йилига 4 минг тонна балиқ маҳсулотларини етиштириш, 200 тонна балиқ тузлаш, 480 тонна балиқ филеси, шунингдек, 9 млн. дона консерва ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. "Тикозек" овул фуқаролар йиғинида эса қамийдан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхонасининг дастлабки қозиги қўқилди. Ушбу корхона қуриб битказилиши янги иш ўринлари яратишга имкон беради. Бундан ташқари, Мўйноқ тумани марказига олиб борадиган йўллар қурилиши давом этмоқда.

Энг асосийси, Президентимиз ташаббуслари билан, Орол денгизининг қуриб қолган ҳудудида 500 минг гектарда чўлга бардошли ўсимликлар экиш, ашиш тўқайзорлар барпо этиш ишларида бутун Республика вилоятларидан ёрдамга келган кишилар иштирок этмоқда.

Албатта, Мўйноқ туманида амалга оширилётган ишларда прокуратура ҳам иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини ривожлантиришда қонунчилик бажарилиши юзасидан нazorат бошқармасининг ташкил этилиши юксак масъулият ва ишончдан дарак беради.

Республикада ишсизлар сони 64464 нафарни ташкил қилган.

ларга 811,6 млн. сўм миқдордаги моддий зарарни ундириш ҳақида 121 та ариза киритилди. Назорат тadbirлари ва дастлабки тергов давомида жами 11,2 млрд. сўмлик зарар айбдор шахслардан ундирилди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан 11732 та мурожаат ҳал этилди ва 7280 нафар фуқаро бевосита прокуратура органлари томонидан қабул қилиниб, муаммоларнинг қонуний ечими таъминланди. Масалан, прокуратура томонидан Нукус шаҳрида яшовчи фуқаро К.Амантлеуованинг пенсия пули миқдори кам қилбётганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаати кўриб чиқилди. Ўрганиш давомида фуқаро К.Амантлеуовага пенсия бўлими томонидан пенсия тайинланганида ариза эгасининг тўлиқ иш стажы ҳисобга олинмаганлиги аниқланиб, тўланмасдан қолган жами 1.693.239 сўм миқдордаги маблагнинг тўлаб берилиши таъминланди.

Республика прокуратураси томонидан ҳудудларда яшаётган ўзгалар парварлишига муҳтож бўлган ёлғизлар ва ногиронлардан хабар олиш, уларга ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган тadbirлар давомида улардан 731 нафари хасса, 229 нафари қўлтиктаёққа, 1074 нафари аравачага муҳтожлиги аниқланиб, талаблари қаноатлантирилди.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазири тизимидаги жами 2179 нафар патронаж ҳамшираларининг фақатгина 49,8 фоизда патронаж сумкалари мавжудлиги аниқланди. Республика прокуратурасининг аралашуви билан уларга 1564 дона патронаж сумкалари олиб берилди.

Соғлиқни сақлаш йўналишида олиб борилган нazorат тadbirлари давомида аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Республика прокуратураси ташаббуси билан жами 17022 нафар шахснинг тиббий кўриқдан ўтказилиши таъминланди. Тиббий кўриқлар натижасида жами 6428 нафар шахсларга даволаш учун тавсиялар берилди, шундан 5834 нафари амбулатор тарзда ва 1660

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН


6 253

нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

3 956

та прокурор нazorати ҳужжатлари қўлланилди.

Прокурор протестлари асосида 400 та қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилиниб,



942 та ҳужжат қонун талабларига мувофиқлаштирилди.

804 та тақдимома киритилди.



Қонун бузилишига йўл қўйган 3442 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

судларга 811,6 млн. сўм миқдордаги моддий зарарни ундириш ҳақида 121 та ариза киритилди.



11,2 млрд. сўмлик зарар айбдор шахслардан ундирилди.

2019-2029 йилларда мамлакат атом энергетикасини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

14-FEVRAL 2019-Y. HUGUB N° 7 (1 152)

3

**М**аълумки, юртимизнинг ҳар бир гўшасида уй-жойи учун эгаллик ҳуқуқи расмийлаштириш керак, турли муаммоларга дуч келадиган юртодошларимиз етарлича. Бирининг уйи кўп замоналардан буён боболаридан мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бўлса, яна бирининг уйи эса ўзбошимчалик билан қуриб олинган боис ҳанузгача эгаллик ҳуқуқи расмийлаштирилмаган. Табиийки, бундай уй-жойларнинг эгалари уйлари расмийлаштириш учун қонуний асос бўлмаганлиги сабабли ҳужжатлаштириш ишларини амалга ошира олишмаган. Бундай муаммоларни ҳал этиш юзасидан мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 20 апрелда "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир мартилик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди ва шу асосида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги қарори билан Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир мар-

### Хали ҳам кеч эмас, имтиёздан фойдаланинг!

Юқорида таъкидланганидек, уй-жойнинг ҳужжатлари бўлмаган фуқаролар мулк ҳуқуқини эътироф этилиши учун ҳудудлардаги давлат хизматлари маркази орқали туман (шаҳар) ҳокимининг номига талаб этилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади. Таъкидлаш жоизки, аризин қабул қилганлик ва кўриб чиқиш учун ҳеч қандай йиғим тўланмайди. Агар, кейинчалик ушбу ҳолат бўйича ижобий қарор қабул қилинса, энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоридан йиғим ундирилади.

Ҳужжатлар тайёр бўлгандан сўнг, улар давлат хизматлари маркази томонидан ахборот тизими орқали ҳудудлар бўйича ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман (шаҳар) филиалига юборилади. Филиал ходимлари томонидан уч иш куни мобайнида аризачининг манзилига чиқилади ва ўзбошимчалик билан қурилган иморат ўрганилади ва унинг плани шакл-

канал ва анҳорларнинг муҳофаза ҳудудида жойлашмаганлиги, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни жойлаштиришда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилганига аниқлик киритиб беради. Қисқача қилиб айтганда, комиссия аъзолари томонидан асосий эътибор ўзбошимчалик билан қурилган иморатларнинг жойлашувида магистрал қувурлар, темир йўл ва автомобиль йўллари, электр қуввати узатиш ва алоқа линиялари, қурилган иморат муҳофаза зоналари, сув муҳофазаси ва санитария-ҳимоя зоналарида, шунингдек аэродромлар, чиқиндилар ва бошқа захарли моддаларни кўмиш жойлари яқинида жойлашмаганлиги қаратилади.

Шунингдек, фуқаролар ўртасида низолар бўлса, уни ҳал қилиш комиссия ваколатига кирмайди. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг эгаси фақат низо қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳал қилингандан кейин ва фақат бир мартали акция тугагунга қадар унга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

чиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилган бўлса, фуқаро уларни бартараф этиб, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан ҳуқуқни эътироф этишни сўраб яна мурожаат қилишга ҳақли. Бир мартали акция мuddати тугагунга қадар шундай қилишга рўхсат берилади. Шунингдек, фуқаро комиссия қарори устидан юқори туровчи комиссияга (вилоят ёки республика даражасидаги) ёхуд судга шикоят қилиши мумкин.

### Ижро қониқарлими?

Афсуски, бундай хайрли акциянинг тарғиботи масъул идоралар томонидан етарли даражада ташкил этилмаганлиги боис, ундан кўпчилик фуқароларимиз беҳабар қолаётти. Айна бу камчиликларга қайси идоралар томонидан йўл қўйилмоқда? Бош прокуратура томонидан ўтказилган назорат тадбирлари бунга ойдинлик киритиб берди.

Таҳлиллар, акция тамомланишига қисқа мuddат қолаётган бўлса-да, мазкур фармон бўйича ҳудудларда тузилган комиссиялар иши тўғри ташкил этил-


DOLZARB MAVZU

# Кўпчилик «УЙҚУ»да фуқароларми ёки масъул идоралар?

## Бобомдан қолган уйга эгаллик ҳуқуқини қандай расмийлаштираман?

Айни вақтда авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган, яъни ота-боболаримдан қолган уйда яшайман. Ҳозир бу уйнинг бирорта ҳам ҳужжати йўқ. Аввал шу ҳовлини ҳужжатлаштириб олиш учун бир неча мартаба ҳаракат қилдим. Лекин кадастр идораси ходимлари бу уй сизга тегишли эканлиги, отангиз ёки бобонгиздан мерос бўлиб қолганлиги ҳақида бирорта ҳужжат бўлмаса, уни сизга расмийлаштириб бера олмаймиз, дейишган. Шундан кейин бунга қўл силтаб, ташлаб қўйган эдим. Ўтган йилнинг апрель ойида Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада тегишли фармон қабул қилинган экан. Яқинда ушбу янгиликни эшитиб қолдим. Эндиликда мен қаерга мурожаат қилишим керак?

**Баҳромжон Турдиматов,**  
Зангиота тумани



талиқ умумдавлат акцияси доирасида кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби тўғрисида низо тасдиқланди. Мазкур ҳужжатлар юқорида айтиб ўтилган муаммолар гирдобидан қолган фуқароларимиз учун эътирофга лойиқ ҳодиса бўлди.

### Эслайтиб ўтамиз...

Фармонга асосан мазкур акция 2018 йил 1 майдан жорий йилнинг 1 майига қадар ўтказилиши белгиланган. Унда Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ёки иморат қуриш учун рўхсатнома олмастан қурилган турар жойларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этилади. Акция кўп қаватли уйлари, уларга туташиб кетган ер участкаларида ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга, шунингдек нотураж жойларга нисбатан татбиқ этилмайди. Шунингдек, юқорида номи келтирилган фармон қабул қилингандан кейин ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга ҳам мазкур акция доирасида мулк ҳуқуқини эътироф этилмайди. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин эмас, деб ҳисобланганда, турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашган ва ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисида ваколатли идоралар томонидан даъво аризаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва мuddатларда судга киритилади.

лантирилади. Шундан сўнг, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиясининг аъзоларига юборилади. Комиссия аъзолари беш кун мобайнида ноқонуний қурилган иморатни жойига борган ҳолда ўрганади ва кадастр идорасига ўз хулосаларини тақдим этади.

### Комиссия аъзолари қандай хулоса беради?

Туман (шаҳар) ер тузиш ва давлат кадастри бўлими бошлиғи ўзбошимчалик билан қурилган иморат жойлашган ер участкаси қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашгани ёки жойлашмагани тўғрисида хулоса берса, қурилиш бўлими бошлиғи ўзбошимчалик билан қурилган иморат бosh режа ва унинг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларига (мавжуд бўлганда), қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудларини мейморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига (мавжуд бўлганда) зид равишда, шунингдек, муҳофаза зоналарида ёки йўқми, шаҳарсозлик нормалари ва қондаларининг бошқа талаблари бузилган ёки бузилмаганлигини аниқлайди. Худуддаги экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи ўзбошимчалик билан қурилган иморат жойлашган ер участкаси турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган муҳофаза этиладиган ҳудудда, яъни

Комиссия ишчи органи уч кун мобайнида унинг аъзолари хулосаларига (маълумотномаларига) асосан ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида далолатнома расмийлаштиради.

Далолатномада ўзбошимчалик билан қурилган иморатни эътироф этиш мумкинлиги кўрсатилган бўлса, шу кунгидея энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдоридан йиғим тўлаш учун ҳисобварақ-фактура шакллантирилади. Мурожаат этувчи 4 иш куни мобайнида тўловни амалга оширади (мuddатда тўланмаган тақдирда эътироф этиш ишлари тўхтатиб турилади, бироқ бир мартали акция тугагунга қадар йиғимни тўлаб, уларни тиклаш мумкин).

Йиғим тўлангандан кейин икки кун мобайнида ишчи орган ўзбошимчалик билан қурилган иморатни эътироф этиш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлайди. Қарор қабул қилиш учун икки иш куни берилади. Унда шахсга ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам кўрсатилади. Қарор мурожаат этувчига давлат хизматлари маркази орқали юборилади.

Комиссия далолатномада ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин эмаслиги тўғрисида хулосага келган бўлса, шу кунгидея рад этиш асослари кўрсатилган тегишли хатни давлат хизматлари маркази орқали мурожаат этувчига юборади. Агар хатда кам-

**Адҳам ОДИНАЕВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори  
**Камолитдин АСКАРОВ,**  
«Нуқул»

маганлиги, белгиланган вазибалар ижроси эса ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, турар жойларга мулк ҳуқуқини эътироф этиш аҳволи қониқарсиз даражада эканлигини кўрсатмоқда. Фармон мазмун-моҳияти аҳолига етарлича туншутирилмаган, ўзбошимчалик билан қурилган турар жой эгалари томонидан ушбу имкониятдан тўлиқ фойдаланишлари бўйича лозим даражада иш ташкил этилмаган. Хусусан, 2019 йил 1 февраль ҳолатига республикада мавжуд 569 534 та ўзбошимчалик билан қурилган турар жойлардан 274 297 таси ёки 48 фоизи бўйича Давлат хизматлари марказларига аризалар келиб тушган, холос. Шунингдек, мулк ҳуқуқини бериш ҳақидаги мурожаатларнинг ҳокимликлар, «Ермулккадастр» ДК, қурилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ички ишлар, солиқ, санитария-эпидемиология назорати идораларида кўриб чиқилиши устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида уларни кўриб чиқиш қониқарсиз аҳволда. Хусусан, Давлат хизматлари марказларига келиб тушган 274 297 та мурожаатдан атиги 108 964 таси кўриб чиқилиб, 75 242 таси қаноатлантирилган ва 33 722 таси рад этилган бўлса, 150 624 таси хали кўриб чиқилмаган. Урганиши натижаси бўйича ўзбошимча қурилган турар жой-



# ЕТИМЛАРГА МЕХР КЎРСАТИШ — ЧИН ИНСОНИЙЛИК НАМУНАСИ

MUNOSABAT



Бизнинг аждодларимиз доимо етимларнинг бошини силаган, ота-онанинг ҳаққини адо этган, уларнинг ҳурматини жойига қўйган халқ бўлган. Шу анъаналарга монанд равишда мамлакатимизда эзгуликка муҳтож ташна қалбларга, етим-есирлар ва ногиронлиги бўлган фуқароларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳукуматимиз томонидан яхши йўлга қўйилган. Етимлар учун меҳрибонлик уйлари фаолият кўрсатиб турибди. Саховатпеша инсонлар ана шундай жойларга хайр-эҳсон қилиб, уларнинг кўнгилларини кўтариб, хабар олиб туришлари ҳам айна саваб ишлардандир.

Аброр ГАНИЕВ,

Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

зирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларига 1 та психолог штат бирлиги, шунингдек, тарбияланувчилари сони 200 нафардан орტიқ бўлган "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларига 2 та психолог штат бирликларини киритади.

Шунингдек, 2019 йил 1 мартдан "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячилари, шунингдек, барча турдаги халқ таълими муассасалари тарбиячиларининг базавий тариф ставкаси 1,5 баробарга оширилади ва умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкасининг 75 фоизи даражасида белгиланади.

Шунингдек, 2019 йил 1 октябрдан: "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари раҳбар ходимлари ва олий маълумотли тарбиячилари ҳамда барча турдаги халқ таълими муассасалари олий маълумотли тарбиячиларининг базавий тариф ставкалари микдорларини умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларига тенглаштирилади, бунда айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбиячилари учун кўзда тутилган устама бекор қилинади.

жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи лавозим маошининг 75 фоизи микдориди тўланади;

Яна бир муҳит жиҳатлардан бири, қарорда васийлик ва ҳомийлик органлари ходимларига ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда 170 000 сўм микдорда компенсация тўланади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган микдорда ошириб борилишининг белгилаб қўйилгандир.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори асосида бундан кейин етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан тизимли ишлар олиб борилади. Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилаётган (патронат) васий ва ҳомийликка номзодларни, фарзандликка олаётганлар ва оилавий болалар уйларининг тарбияловчи ота-оналарини танлаш ҳамда кузатиб бориш тизими такомиллаштирилади.

FAQLIYAT

Ҳар бир давлат органи ходими, қайси лавозимда ишлашдан қатъи назар, энг аввало, инсондир ва халқ манфаатларига хизмат қилиш унинг энг юксак ахлоқий бурчидир.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган: "Халқнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир", деган сўзларнинг мазмунида ҳам ижтимоий ҳимоя ва ёрдамга муҳтож инсонларни рози қилиш, уларга ғамхўрлик қилишга даъват муҷассам. Зеро, муқаддас Куръони Карим оятидан маълумки, яхшилик, одамийлик, инсонийликнинг бош мезонларидан бири етимларга яхшилик қилишдир.

Хусусан, Сирдарё вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам ушбу фикрнинг исботи сифатида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1993 йилда Сирдарё вилоятида туғилган З.Самойлова ва Х.Самойлов ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сифатида Гулистон шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи"га жойлаштирилган. 2008 йилда улар иқтидорли тарбияланувчилар сифатида Тошкент шаҳридаги А.Хлебушкина номидаги 22-сонли "Меҳрибонлик уйи"га ўтказилган ва 2013 йилга қадар шу ерда тарбияланган.

З.Самойлова ва Х.Самойлов воёга етганидан сўнг "Меҳрибонлик уйи" маъмурияти хат билан Сирдарё туман ҳокимлигига Х.Самойлова ва Х.Самойлов 2013 йилда коллежни тамомлаганлиги сабабли уларни уй-жой билан таъминлаш масаласини ҳал этиш ҳақида муурожаат қилади.

Хонадон эгасининг хасталигидан фойдаланган шахс ундан ишончнома олиб, уйини ўзининг турмуш ўртоғи номига олди-сотди шартномаси билан расмийлаштириб олди.

Бироқ, ўтган давр мобайнида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги 164-сонли қарори билан тасдиқланган "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига риоя этилмаган. З.Самойлова ва Х.Самойлов турар жой олиш ҳуқуқига эга бўлса-да, уй-жой билан таъминланмаган. Шундан сўнг фуқаро З.Самойловнинг прокуратура органларига муурожаати алоҳида назоратга олинган ҳолда кўриб чиқилди.

Конун устуворлигини таъминлаш ҳамда Низом талабларини рўёбга чиқариш учун Сирдарё туман ҳокимиятининг алоҳида қарорини чиқаришга эришилди. Унга асосан ҳокимлик балансидаги, 2018 йил дастури асосида қурилиб, якуний қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган, аҳоли яшаш хонадонлари орасида етарли шароитларга эга бўлган, замонавий

кўринишдаги уй З.Самойловага яшаш учун ажратиб берилиши таъминланди.

Шу ўринда яна бир мисолни келтириб ўтмоқчимиз.

Воёга етмаган Э.Шавқиевнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) онаси оғир хасталикдан сўнг 2014 йилда вафот этган, оила қийин аҳволга тушиб қолади. Энди оила бошлиғи З.Шавқиев воёга етмаган фарзандига ҳам ота, ҳам она вазифасини бажара бошлайди. Бироқ, унинг соғлиғида ҳам муаммолар вужудга келади. Шу вақтда оила билан доимий бордини келиб юрган "меҳрибон" С.Мажидов ўзининг ёрдамини тақлиф қилди. Унинг бошчилигида З.Шавқиев шаҳар ҳокими номига ариза ёзиб, воёга етмаган фарзанди Э.Шавқиевни "Болалар шаҳарчаси"га жойлаштиришни сўради. Унинг илтимоси шаҳар ҳокими томонидан қаноатлантирилди.

Бироқ, вақт ўтгани сари З.Шавқиевнинг аҳоли оғирлаша бошлади. Шунда унинг хаёлига яшаб турган уйини сотиш, тушган пулга 1 хонали квартира олиш ва касалини даволатиш фикри келди. Соғлиғи билан боғлиқ муаммолар туфайли яна "ёрдам"га С.Мажидов ошди. З.Шавқиев унга ўз мақсадини баён қилганида, С.Мажидов ўзининг номига ишончнома беришини, уй олди-сотдиси билан боғлиқ ишларга ўзи бош-қош бўлиб, ёрдам беришини маълум қилди. Ажал эшик қоқиб турган вақтда ўз ҳаракатларини тўлиқ англаб етмасдан, барчадан наҳот кутиб турган З.Шавқиевга ушбу тақлиф маълум қилди. Ишончнома расмийлаштирилган, З.Шавқиев С.Мажидовдан олди-сотди ишларини тезлаштиришни сўради. "Ҳожатбарор" эса уй сотилган тақдирда фарзанди Э.Шавқиев уйсиз қолишини айтиб, бунга қаршилиқ қилар эди. Ишончнома мuddати тугагач, хонадон барибир унинг эгаси ёки меросхўрига ўтишини англаб етган С.Мажидов З.Шавқиевга билдирмасдан хонадонни ишончнома орқали ўзининг турмуш ўртоғи Р.Мажидовага сотди. Натижада Р.Мажидова тўлиқ ва мuddатсиз даврга хонадон мулкдорига айланди. Ушбу олди-сотди шартномаси расмийлаштирилганидан 14 кун ўтиб, З.Шавқиев ҳам "жигар циррози" хасталигидан вафот этди.

Ушбу ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эътиборидан четда қолмади. Тегишли ҳужжатлар вилоят прокуратураси органлари томонидан ўрганиб чиқилиб, қонун ҳужжатларига зид тарзда расмийлаштирилганлиги сабабли С.Мажидовга берилган ишончнома ва С.Мажидов билан Р.Мажидова ўртасидаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек, уй-жойни умий мулк, деб топиш ҳамда Э.Шавқиевнинг мерос улушини белгилаш ҳақида даъво аризаси киритилди. Гулистон шаҳар прокурорининг даъво аризаси суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилиб, уй-жой ўзининг ҳақиқий мулкдорига қайтарилди.



Мамлакатимизда ҳар бир соҳада иқтисодий ислохотларнинг жадаллик билан амалга оширилаётганини бугун бутун дунё кузатиб, амалга оширилаётган ишларни эътироф этмоқда.



JARAYON

# ЕРЛАР МАҚБУЛЛАШТИРИЛАДИ

## ушбу жараёнда нималарга эътибор қаратиш керак?

**К**ишлоқ ҳўжалиги соҳасида кейинги йилларда ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, қишлоқ ҳўжалиги экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва галла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари харид нархини ошириб бориш эъвазига қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш чоралари кўрилмақда.

Бирок, айрим ҳолатларда ердан фойдаланувчиларнинг етарли билимга эга эмаслиги, ердан унумли фойдаланишда инновацион технологиялардан фойдаланмаётгани, ердан ноқонуний фойдаланиш ҳолатла-

рига йўл қўйилаётгани ниҳоятда ачинарли ҳолдир.

Биргина, 2018 йилда прокуратура органлари томонидан ўтказилган ўрганишлар жараёнида 7 941 гектар экин майдонларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиб келингани аниқланган.

Энг ачинарлиси, улар томонидан ерга нисбатан ҳақиқий тадбиркорлик ҳиссининг мавжуд эмаслиги оқибатида сугуриладиган ерлардан ноқонуний фойдаланиш, шахсий манфаати йўлида яқка тартибда уй-жой ёки бошқа бино ва иншоотларни қуриб олиш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Юқорида кўрсатилган ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш, ердан фойдаланиб тадбиркорлик қиладиган, моддий ва техник имкониятларга эга ҳақиқий тадбиркорлик субъектларини шакллантириш мақсадида 2019 йил 9 январда Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фермер ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Прокуратура органлари томонидан мазкур қарорда белгиланган вазибаларнинг ижро этилишини таъминлаш, мақбуллаштириш ўтказилиши жараёнида ер участкаларини бериш масаларини қуриб чиқувчи туман комиссияси аъзолари ҳамда фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари раислари томонидан фермер ҳўжаликлари фаолиятига ҳолисона баҳо бериш, шаффофлик, ошқорлик, очкилик ва адолат тамойилларига қатъий риоя қилишларини таъминлашга

асосий эътибор қаратилмоқда.

Қарорга асосан фермер ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига фаолият юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар ишчи гуруҳлари фаолияти шакллантирилган бўлиб, улар томонидан:

— фермер ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг ягона рўйхати шакллантирилганлиги, уларга ажратилган ер майдонларидан мақсадли фойдаланилаётганлиги ва ер ижара шартномаси шартларига риоя этилаётганлиги;

— ишлаб чиқариш фаолияти, тузилган контрактация шартномаларининг бажарилиши, маҳсулот сотишдан тушган маблағларнинг банк ҳисобварақлари орқали айланиши, де-

**Муродулло АБДУҲАКИМОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

битор-кредитор қарздорликлари ва молиявий ҳолати;

— фермер ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналари фаолиятида қўшимча тармоқлар ташкил этилганлиги, талаб этиладиган зарур қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва агрегатлар билан таъминланганлик даражаси, моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати ўрганилади ва таҳлилий маълумотлар шакллантирилади.

Танловларнинг очiqи ва шаффоф ўтказилиши юзасидан прокуратура органлари томонидан тўлиқ нозорат ўрнатилди ҳамда аниқланган ҳар бир қонун бузилиши ҳолатлари бўйича қатъий чоралар кўрилади.

JINOYAT VA JAZO

# «ТОЗА ХУДУД»ДАГИ ЧИРКИН ИШЛАР

Негадир кўпчилик ҳамон эскича яшашдан, фикрлашдан қутула олмапти. Қолаверса, бундан кейин ҳар қандай фаолият қонун доирасида талаб даражасида амалга оширилишини аниглаб етмаётганлар йўқ эмас.



**Баҳодир Юлдашев,**  
Кўшқўпир туман прокурорининг ўринбосари

**Б**ундай шахслар мансаб курсисига ўтириш билан элга хизмат қилиш, ўзи раҳбар бўлган корхона фаолиятини янада жонлантириш ҳақида эмас, ўз чўнтагини қаппайтириш тўғрисида кўпроқ жон куйдирадидилар.

Даврон Сапаевнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Хоразм вилоят "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонасига раҳбарлиги бир йилга ҳам етмади. Аммо бу вақт мобайнида у давлатнинг 92 миллион сўмдан зиёд маблағини ўзлаштиришга улгурди. Бу ишларда унга ўринбосари, "удда-буррон" лиқда кўпларга дарс берадиган, бу борадаги "тажриба"си учун муқаддам икки марта суднинг қора курсисига ўтириб улгурган, ҳар икки

Корхона Кўшқўпир туманидаги "Қаттиқ ва маийши қичқиндағи" полигонда қўшимча бино қуриш тўғрисида шартнома тузади. Полигонда 115 миллион сўмликдан зиёд ишлар бажарилди. Аммо иш қиймати "Бажарилган ишлар тўғрисида ҳисоб-қабланиш маълумотномаси"да 137 миллион сўмдан зиёд қилиб қайд қилинади. Кўп ўтмай, бу ҳужжатга яна аслида қилинмаган ишлар қўшилиб, умумий сумма 208 миллион сўмга етказилди. Оқибатда давлатнинг 92 миллион сўмдан зиёд маблағи расрата қилинади.

Шунча маблағларни осонгина ўзлаштириб кетаман, дея аёлга борган бу кимсаларнинг қилмишлари фош бўлди. Келтирилган зарар қопланди. Суд ҳукми билан Даврон Сапаев икки йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиб, 2 йилга 6 ойга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинди. Умид Ибрагимов эса энг кам иш ҳақининг 110 баробари миқдоридан жарима тўлашига тўғри келди.

Хоразм вилоят «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхонасига раҳбар қилиб тайинланган шахс бир йил ҳам ишламади.

ҳолатда ҳам жиноят иши тегишли тартибда тугатилганидан тегишли ҳуқуқсиз чикара олманган Умид Ибрагимов яқин кўмакчи бўлди.

Ҳали ўттиз ёшни ҳам қаршилагша улгурмаган Дилшод Холмуҳидинов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фирибгарликнинг "ҳадиси"ни олганча, кўпчиликни алдаш ва ишончли суистеъмол қилиш йўли билан ўзганининг мулкани талон-торож қилиш, тез ва осон мўмай даромад орттириш пайига тушганлардан бўлиб чиқди.

# ФИРИБГАР ТУЗОФИГА ИШНИБ ҲАМ ВАҚТИДАН, ҲАМ НАҚДИДАН АЙРИЛИШДИ

**Д**арвоқе, бу "ўзбилармон шов-воз" ўзганининг мулкани ёки ўзганининг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида бир эмас, бир неча бор жиноий ҳаракатлар содир этиб, қилмишига яраша жазога ҳукм этилди. Жумладан, "Нурлихаёт" маҳалласидаги Э.Суяровнинг ишончига кириб, унинг қўйларини сотиб олиш мақсади борлигини билдиради ва 7 миллион 200 минг сўмга келишади. Бироқ келишилган пулнинг 4 миллион 100 минг сўмининг бермасдан, уларни сотган ва топган даромадини шахсий эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборган.

Шундан сўнг, Дилшод қараса, соддадил одамларни алдаб, бели оғримай, меҳнат-машаққатсиз яхшигина даромад қилса бўлади. Фириб ва алдов билан одамларни йўлга солиш қўлай эканлигини билиб олган "тадбиркор" енг шимариб ишга киришади. Паркентлик А.Алимов ҳам унинг ёлғонларига ишониб 35 миллион 540 сўмлик қорамолларини, И.Қозиев 3 миллион сўмликдан ошқироқ қўйларини, Бардонқўл маҳалласидан Ж.Расулов эса 7 миллион сўмлик қорамолларини бериб юборди.

Табиийки, одамларни ишонтириш осон иш эмас. Бу борада Д.Холмуҳидинов бор "маҳорати"ни ишга солиб, ўзининг фуқаролик паспорт нусхасини,

телефон рақами ва албатта қоп-қоп ваъдалар беришдан ҳам тап торتماди. Шундай усуллар билан осонгина даромадга қўмиламан, деган хаёлга борган фирибгар қонуннинг "қуввати"ни эсдан чиқарган эди.

Адолат қарор топди. Унинг барча кирдикорлари фош этилиб, суд томонидан 7 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди ва жабрланувчиларга етказилган моддий зарар ундириб берилди.

Аммо масаланинг бир ҳужятига эътибор қаратишни лозим топдик. Бугун мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга интилишимиз лозим бўлиб турган бир пайтда, бундай лоқайдликка йўл қўйиш асло мумкин эмас. Аксинча, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши барчамиз янада огоҳ, ҳушёр ва ташаббускор бўлишимиз лозим.

**Ганишер АБДУСАЛАМОВ,**  
Юқоричирик туман прокурори

Япониядаги ватандошларимиз кунчиқар юрт шаҳарларида олиб борган тарғиботлар натижасида биринчи сайёҳлар гуруҳи юртимизга ташриф буюрди.

14-FEVRAL 2019-Y.  
HUGUQ № 7  
(1152)

7



## FAOLIYATIDAN

**Абу Наср Форобийнинг ҳикматлар шода-сида шундай ибратли фикрларни ўқиб қолдим. "Агар ақл ёмонликка қаратилса, инсоний ҳислатлар разиллик, маккорлик ва алдамчиликка олиб боради."**

## Ақлни нафс алдади

**Мирхон АБДИЕВ,**  
Департаментнинг Ғиждувон тумани бўлими бошлиғи

Эркин Гафоров (исм-фамилиялар ўзгартirilган) 2018 йил апрель ойида Ғиждувон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги автотранспортлар ва автотураргоҳларга хизмат кўрсатиш корхонаси назоратчиси вазифасига тайинланди. Аммо, бинойидек ишлаб келаётган йигитни нафс қутқуси йўлдан урди.

Ғиждувон тумани ҳокимлиги биносининг биринчи қа-ва-тида жойлашган транспорт департаментидан чиқаётган да фуқаро Меҳригул Ғойи-бо-ва билан танишиб қолди.

— Биласизми, сиз билан танишганим яхши бўлди, — Меҳригул янги танишига ишонч билдирди.

— Беҳад шуқурки, таниш-билишлар кўп, бирор хизмат бўлса бемалол айтаверинг, — деди Эркин ҳам гердайиб.

— Қандай яхши. Бемор ту-залмоқчи бўлса, табиб ўз оёғи билан келаркан-да. Мен туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи" бўлимига ишга кирмоқчи эдим.

Айни сўхбат бўлди ми ёки йўқми, бу бизга қоронғу. Аммо Меҳригул Ғойи-бо-ва ни ишга жойлаштириш нар-хи 400 АҚШ доллари деб белгиланди.

Эркин келишилган куни М.Ғойи-бо-вага кўнғироқ қилиб, айтилган пул ва хуж-жатлар тайёр бўлса, Ғижду-вон туман деҳқон бозори ол-ди-га олиб келишни тайинла-ди. Шу ерда Эркин Гафро-вон ақлини эмас, нафсини ишга солиб хатога йўл қўёт-ганлигини англамади. Бир кун ўтиб айтилган манзилга 200 АҚШ доллари ва 1 млн. 560 минг сўм пуллари олиб келган М.Ғойи-бо-вадан пор-ни олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд ҳукмига биноан Эркин Гафоровга тегишли му-датга жазо тайинланди.

# Бирга уч — уч бўладими?

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ғовларни, хусусан, ҳали ҳам эски одат ва қарашлардан қутула олмаётган айрим то-в-ла-мачи ҳамда тамагир мансабдор шахсларнинг қинғир ишларини фош этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси то-монидан ўтказилаётган тезкор тадбирларда ҳудудларда ер майдони ва биноларга оид ҳужжатларни расмийлашти-риш билан боғлиқ ҳуқуқбузар-ликлар аниқланиб, уларга чек қўйилмоқда.

Урганчилик фуқаро Отажон Собировга (исм-фамилиялар

ўзгартirilган) уй-жойга муҳ-тож оилалар қаторидан 1 хо-на-ли квартира ажратилади. Отажон Собиров унга ажратил-ган 1 хонали уйни 3 хоналига алмаштириш учун кўп қаватли уйлардаги квартираларни би-риктириш бўйича Урганч шаҳар ҳудудий комиссия аъзоси Бо-тир Жуманазаровга мурожаат қилади.

Ботир Жуманазаров комис-сия аъзолари — шаҳар ҳоким-лиги Умумий бўлим мудирини Улмаас Очилов ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри дав-лат корхонаси шаҳар филиали мутахассиси Озод Валиевлар билан тил бириктириб, Отажон Собировга 3 миллион сўм эва-зига иш битишини билдирди.

Мазкур масала юзасидан Отажон Собиров ҳуқуқни муҳ-тож қилувчи органларга му-рожаат қилади. Унга асосан ҳудудий комиссия аъзолари Улмаас Очилов, Озод Валиевлар фарибгарлик йўли билан фу-қаро Отажон Собировдан 3 миллион сўм пулни олаётган вақтида ашўвий далиллар би-лан қўлга олинди.

Одамзот баъзан ўйламай

**Дилрабо КУРЯЗОВА,**  
Департаментнинг  
Хоразм вилояти бошқармаси  
катта инспектори

қўйган бир қадами туфайли йиллар давомида орттирган обрўсидан айрилиши ҳеч гап эмас. Юқорида номлари тилга олинган фуқаролар ҳам йиллар давомида нуфузли ташкилот-ларда ишлаб келишган. Улар таниш-билишлари, жамоаси орасида ўз ўрнига, хурматига эга мутахассислар бўлишган. Бирок, уларнинг охирини ўйла-май қилган хатолари жиноятга етаклади.

Уларга нисбатан суд ҳукми ўқилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

## Тадбиркорлик ортидаги фариб

Бугунги кунда юртимиз-да кенг қўламли кури-лиш, ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик иш-лари жадал сурьатларда олиб борилмоқда. Барча қулайликларга эга за-мо-навий бинолар курилиб, эскилари таъмирланмоқ-да. Бу каби курилишлар бо-ис, ишсизларнинг бандлиги таъминланмоқ-да. Аммо...

**Мақсудбек НУРИДИНОВ,**  
Департаментнинг Андижон шаҳар бўлими катта инспектори

"малакали усталар" ишни қўл учида бажарганлиги сезилиб қолди. Сифатсизликдан таш-қари, бажарилган ишлар бўйи-ча бирор-бир тегишли ҳужжат-лар тақдим этилмагани ва на-зорат қилинмагани маълум бўлди.

Шундан сўнг мактаб маъму-рияти текширув ўтказилишини сўраб, ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бош прокуратура ҳузуридаги Де-партаментнинг Андижон шаҳар бўлими томонидан олиб бо-рилган текширув-суриштирув-ларда МЧЖ томонидан йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди.

Маълум бўлишича, МЧЖ раҳбари бошқа шахслар билан олдиндан ўзаро тил бирикти-риб, мактаб ўқув корпусининг иситиш тизимида мукамал таъмирлаш ва иситиш қозони ўрнатиш бўйича амалга оши-рилган ишлар давомида 31,5 миллион сўмлик ҳақиқатда ба-жарилмаган ишларни ҳисобот-ларга қўшиб ёзиш ҳамда ушбу пул маблағларини тўлов сифа-тида ўзларига ўтказишга эришган. Бу эса талон-торож-ликка олиб келган.

Ушбу ҳолат юзасидан айб-дорларга нисбатан қонун дои-расида тегишли чоралар кўрилди.



Андижон туманида жой-лашган "344-сон хўжа-ликлараро кўчма механизация-лашган сафи" МЧЖ томонидан Андижон шаҳар халқ таълими тасарруфида бўлган 2-уму-таълим мактабининг иситиш тизимида таъмирлаш ишлари олиб борилган. Ишлар тўга-тилгач, таълим маскани фой-даланишга топширилган. Ўқув йили бошлангандан кейин эса

## Сохта "ходим"

Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими бошқа ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи органлар хо-димлари билан ҳамкор-ликда Дехқонбод ту-манида яшовчи фуқаро О.Аҳмедов (исм-фами-лиялар ўзгартirilган) нинг мурожаати юзаси-дан тезкор тадбир ўтказди.

**Алишер ДУЛАНОВ,**  
Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими суриштирувчиси

эвазига 300 АҚШ доллари та-лаб қилган. 150 АҚШ доллари-ни олдиндан олиб, Ғузур-Дех-қонбод йўналишидаги Қарши шўхбекати ёнида кимёвий иш-лов берилган 1 миллион сўмни олаётган вақтда ушланган.

Фуқаро З.Худойбердиев ай-бига иқдор эканлигини маълум қилиб, тадбир жараёнида му-қаддам О.Аҳмедовдан олган 150 АҚШ доллари ҳисобидан ихтиёрий равишда 1 миллион 200 минг сўмни тақдим этган ҳолати расмийлаштирилган.

Одил Аҳмедовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жи-ноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарли-ги таъминланди.

## Таноби тортилган валютафурушлар

Самарқанд тумани "Кавчинон" маҳалласида жой-лашган "Саттор бобо" номли ошхона ёнида оддий, кўримсизгина жой бор. Бу ер фуқаролар Р.Вафоқу-лов ва К.Игамовнинг "ишхона"си ҳисобланади. Яқинда уларнинг ёнига тадбирга жалб қилинган "ха-ридор" кириб келди ва долларнинг нархини суриш-тирди.

— Бир доллар 8 минг 210 сўмдан, — деди Раҳмон.

— Қиммат эмасми? 50 мил-лиондан зиёд пулим бор. Шунини долларга алмаштири-шим керак эди.

— Ака, бўлгани шу. Истасан-гиз алмаштириб берамиз. Қанча ўзи? — сўхбатга қўшил-ди Комил.

— 50 миллион 902 минг сўм. "Харидор" рози бўлгач, "долларчи"лар пулни санаш-га тушишди. "Қора бозор" нарҳида ҳисоблаб, ўзларига тегишли бўлган 6 минг 200 АҚШ долларини 50 миллион 902 минг сўмга сотган вақтда

**Ислом ШЕРОВ,**  
Департаментнинг Самарқанд тумани бўлими бошлиғи

ашўвий далил билан қўлга олинди.

Суд мазкур жиноят ишини ўрганиб чиқиб, Р.Вафоқулов билан шериги К.Игамовга энг кам ойлик иш ҳақининг 90 ба-равари миқдорда жарима жазоси тайинлади.

Улардан олиб қўйилган 6 минг 400 АҚШ доллари ҳамда 1 000 Россия рубли те-гишли тартибда давлат фой-дасига ўтказилди.



Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам-корлигида ноқонуний валюта савдосини бар-тараф этиш тадбирлари ўтказилмоқда. Галдаги тадбирда ҳам икки на-фар валютафурушлар-нинг таноби тортилди.

**Нодирбек ТОҶИБОВЕВ,**  
Департаментнинг Қўштепа тумани бўлими бошлиғи

қилиб, 4 минг АҚШ долларига харидор топдим, дейди. Рўзи-бой Азаматов Марғилондан тақсиди Фарғона шахрининг Қирғули даҳасига келади. "Шогирди" кўпқаватли уйнинг хонадонидан сариқ сумкада олиб чиққан 33 миллион сўмни олиб, 4 минг АҚШ долларини берган чоғида, жиноят устида ушланди.

Суд мажлисида айбларига тўлиқ иқдор бўлган валютафу-рушларга қилмишларига муво-фиқ жазо тайинланди.



# ПАДАРИНИ ОПИЧЛАГАН ПАДАРКУШ

Алкоголизм ишлаб чиқаришга зарар еткази, меҳнат интизомининг бузилиши ва иш уюмдорлигининг пасайиши, одамларнинг хасталаниб қолиши ва ҳатто бевақт ҳалок бўлишига олиб келади. Мастликда одамнинг мувозанатни яхши сақлай олмаслиги, диққати чалғиб, атрофдаги вазиятни аниқ била олмаслиги бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлади. Шундай бўлса-да, бу зормандани ортидан қувиб ичадиганлар кераклигича топилади.

Ақбар Топилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам нафисга энгилганлардан. Топганига ароқ олиб ичди. Пул тополмаса, уйддаги кўлга илинадиган бирор буюмни сотишгача боради. Эътироз билдирилса, оила бекаси сабабсиз калтакланади, болалар полапонлардек жовдирайди. Акбарни ака-ука, яқинлари бу йўлдан қайтаришга уринди. Бироқ ури-нишлари зое кетди.

Отасининг аҳволи бундай бўлгач, Жонузоқ рўзгорни бўйига олди. Ижарага бир тамаддиҳона олиб, онаси ва онаси билан иш бошлади. А.Топилов бу ерга ҳам тез-тез маст бўлиб келар, тўполон қилиб, тўйгунча ичиб кетарди. Оила бошининг бундай қилиқлари уй аҳлини аллақачон бездириб бўлган. Баъзан ичиб олиб шерга айланган Акбарни ҳовуридан тугшунча боғлаб қўйишарди. Отасининг қилиқларидан Жонузоқ ошхонада хўрандалардан, кўчада таниш-билишлардан уяларди. Ич-ичидан зил кетса-да, тишини тишига қўярди.

Ҳамма нарсада чек-чегара бор, шу қатори сабр-бардошнинг ҳам, пичок бориб, суякка қадалди, дея ўзига ўзи гапирган Жонузоқ ёшлигига борди. Эртанги кунини ўйламай, кўнглига шум режа туғиб қўйди.

Бир куни Акбар ошхонага келди.

— Қорним оч, бирор нима борми? — деди.

Жонузоқ бир сих кабоб пиширди, салат ва ароқ келтирди. Спиртли ичимлик энгил олган заиф тана тезда таслим бўлди. Ичкари хонада бироз ухлаб олган Акбарни ўғли яна "сийлади". У дилига туккан муҳиш режани бугун амалга оширмоқчи эди. Акбар бир шиша ароқни бўшатди. Онаси Жонузоққа отасини уйига олиб бориб қўйишини айтди. Йигит бир парча дока бўлаги ва арқон олди ва отасини опичлаб кўтариб чиқиб кетди. Тўғри дарё бўйига борди. Тун яримлаган. Атрофда ҳеч ким йўқ. Жонузоқ учун айни муддао эди.

— Бу ерга нимага келдик, — деди мудраб Акбар.

— Чўмиламиз, — деди ўғли.

Жонузоқ дока бўлагини овози чиқмасин деб, отасининг оғзига тикди. Жағ қисмидан ушлаб, отасининг бошини олдиндан орқага қараб куч билан қайирди. Акбарнинг

Сирожиiddин УСМАНОВ,  
Самарқанд вилоят прокурорининг  
ўринбосари

бўйи синди. Шу заҳоти жон берди. Падаркуш отасининг қўл-оёғини боғлаб, дарёга ташлади ва қайтиб тамаддиҳонага келди.

Кечаси она-болалар уйига қайтаркан, Жонузоқ онасининг фикрини билмоқчи бўлди.

— Дадам бўлса яхшими ёки бўлмасами? — деди.

— Бу нима деганинг болам. Алкаш бўлсаям отангининг бўлгани яхши, — деди.

Жонузоқ бошқа гапирмади. Уйда турмуш ўртоғи кўринмади. Хайрон бўлган аёл ўғлидан сўради.

— Шифохонага юбордим. Даволанади, — деди.

Қайси шифохонадалигини сўраганида айтмади.

— Айтсам, олиб келиб кўясизлар, — деди.

Жонузоқ бу қилмишини узоқ яширишига ҳожат қолмади. Уч кун ўтиб, дарёдан Акбарнинг жасади топилди. Дастлабки тергов жараёнида Жонузоқ отасини ўлдираганини тан олди.

Суд ҳукми билан Жонузоқ 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.



Бир пайтлар ўғли туғилганида дунёларга сизмай бахтиёр бўлган, эркалаб қўлларида кўтарган, товонига кирган тикан оғриғини юрагида ҳис қилган ота кун келиб, шу қўллари билан ўғлини ўлдиришини ўйлаганмиди? Буни хаёлига ҳам келтирмаганди. Бироқ ўғлининг қалбида ниш урган ярага ҳам вақтида даво топишга ҳафсала қилмаганди. Оқибатда эса яра йиринглаб, бутун оилани ҳаловатсиз аҳволга солди.

# ПАНЖАРА ОРТИДАГИ ОТА

## ЁКИ БЕВАҚТ НОБУД БЎЛГАН ЎГИЛ

Ховлидан аввалига сўкиниш эшитилди. Кейин нимадир ташлади ва қайтиб тамаддиҳонага келди. Фароғат она (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўғлининг овозини таниб, юраги шув этди. "Яна ичиб келибди. Бир балони бошламаса гўрагайди". Она хаёлларини йиғштириб улгурмасидан, қаршисида оёғида базур турган ўғлини кўрди. Унинг қахли нигоҳларига дош беролмай, ташқарига йўналди. Деразадан эрининг велосипеди ерга ағанаб ётганигини кўриб, кетар чоғида ярим меҳр, ярим танбех аралаш ўғлидан велосипедни тўғрилаб қўйишини сўради.

— Ишингиз бўлмасин, она. Мендан нари тулинг, йўқсиз калтак еб қоласиз. — Баҳодир шундай дея гандираклаб ташқарига чиқди-ю, отасининг велосипедини тепа қоллади. Бунга ҳам қаноат қилмай, уни синдириб ташлади.

— Менга чалоп қилиб беринг! — деди Баҳодир бир бурчакда хадиксираб турган онасига тахдидона оҳангда.

— Уйда қаттиқ йўқ эди-да, болам, — деди онаизор илтижолу кўзлари билан ўғлига қараб.

— Йўқ бўлса, ҳозир олиб келамиз-да!

Баҳодир беўхшов илжайиб, кўчага чиқиб кетди.

Фароғат она ўғлининг кун сайин спиртли ичимликка мукдасидан кетаётганини яхши биларди. Шу иллат сабабли оиласи ҳам барбод бўлди. Махалла-қўйнинг аралашуви ҳам ҳеч бир натижа бермади. Қайтага Баҳодир баттар қуюшқондан чиқадиган бўлди. Ичиб олиб, жанжаллашиши сабабли уйдагиларнинг барчаси ундан зада бўлиб қолди. Бироқ она, она-да! Бир кун келиб ўғлига инсоф кириб қолишидан умидини узмади.

Унинг хаёлларини ҳалигина қаттиқ олиб келишга чиқиб кетган ўғлининг бақир-чақири бузиб юборди. Баҳодир уйга қайтиб, онасини ҳақоратлашга тушди. Бу орада укаси ишдан келиб, акасининг аҳволини кўрди-ю, индамай ортига қайтиб кетди...

Томорқасида хордиқ олиб ўтирган Собир ака ёнига ховлиқанича югуриб келаётган қўшнисининг набирасига ажабланиб тикилди.

— Собир амаки, Баҳодир акам яна маст бўлиб, уйда тўполон кўтараяпти. — Болакай хансираганича базур хабарни етказди.

Собир ака ховлиқанича уйига югурди. Эшикдан кираркан, ўғли онасини ҳақорат қилиб турганини кўриб, газаб кўзиди. Уни тартибга чакирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, балога қолди.

Ортида отасини кўрган Баҳодир ҳе йўқ, бе йўқ, у томон югурди. Сўкиганича қаршисида турган стулни олди-ю, отасининг бошига урмоқчи бўлди. Собир ака ўзини четга олиб, зарбадан аранг қутулиб қолди. Ўғлига тинчланишини айтиб, қўлидан тутмоқчи бўлди. Аммо стулнинг бир чети оёғига қаттиқ тегиб, оғрик уни бироз кучсизлантириб қўйди. Шундай бўлса-

Ойбек МУСТАФОВ,  
Қашқадарё вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи

да, ўғлининг қўлига ёпишиб, бас қилишини сўради. Одамийлик қиёфасини йўқотган ўғил эса стол устида турган термосни олиб, отасининг бошига урди. Собир ака қўлини кўтариб, ўзини ҳимоя қилишга уринди. Шунда термос қўлига тегиб, синиб кетди.

Қолган воқеалар кўз очиб юмгунча содир бўлди. Нокорб ўғилдан ғазабланган ота ётоқхонадаги қаровот остидан пичокни қандай олгани-ю, сурапти инсон, сийрати эса ҳайвонга айланган ўғилга қандай санганини англолмай қолди. Фароғат она уйга кирганида ғала-ғовур тинчиган, Баҳодир отасининг қонли қўлларини тутганича беҳуш ётарди...

Суд жараёнида ҳаммадан ҳам Фароғат опага қийин бўлди. Панжара ортида турган эрига ёки бевақт нобуд бўлган ўғлига ачинишни билмай, икки ўт орасида қолди. Воқеадан хабар топганлар эса аттанг, дейишдан бошқа сўз топа олмади. Суд ўғлининг қотилига айланган отага қонунда белгиланган жазони тайинлади. Унга кўра, Собир Тўхтаев 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтайдиган бўлди.

Биз бешиқданок ота-онага ҳурматни ўрганамиз. Улғайганимиз сари уларнинг олдидаги қарзимизни ҳис эта бошлаймиз. Ҳатто ота ўтирган уйнинг томига чиқиб бўлмаслигини, отани норози қилиш кечирилмас гуноҳлигини англаб бораемиз. Жаннатнинг оналар оёғи остида эканлигига иймон келтириб яшаймиз. Аммо ўқиганларимизни, ўрганганларимизни ҳаётга татбиқ эта олмас эканмиз, тарбиялаётган фарзандларимизга ҳаётнинг бу мезонларини тўлалигича сингдира олмас эканмиз, юқоридаги ҳолатларга дуч келаверемиз. Чунки буюқ аждодларимиз ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинчлиги ва одамларнинг фароғати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқ эканлигини беҳиз таъкидлаб ўтишмаган.

# Институтдаги иссиқхона



## FAOLIYATIDAN

Олаверсанг, дарёнинг ҳам суви қурийд. Йўнаверсанг, тоғ ҳам қулайди, деган нақл бежиз айтилмаган. Шундай экан, ҳаётий эҳтиёжларимиз учун ишлатилаётган табиий газ, электр энергияси ресурслари ҳамда ичимлик суви ни тежаб ишлатимиз, исрофгарчиликларга йўл қўймаслигимиз келажак авлод учун захирано мустаҳкамлашга пойдевор ҳисобланади.


Аммо, ўлчовни унутиб, тўлов маданиятига эътиборсиз бўлиш камчилик ёки нуқсон эмас, балки қонунбузилиши сифатида қайд этилади.

Таъкидлаш лозимки, қонунга асосланган фаолият ҳалол, ундан олинадиган даромад ҳам баракали бўлади. Шахсий манфаатни кўзлаб, кўпроқ фойда олиш илмида қонун талабларига риоя қилмай ишламоқчи бўлганлар эса панд ёйди.

Қоровулбозор тумани "Геологлар" кўчасида яшовчи фуқаро Нажмидин Шаропов буни яхши билса-да, ўзини билмаганга олиб, ими-жимиди иш битирмоқчи бўлди. У ўзи фаолият юритаётган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти

нинг Бухоро филиалига тегишли ҳудуддан шартнома асосида ер майдони олиб, иссиқхона қурди. Бу хайрли иш. Аммо Н.Шаропов иссиқхонага умумий фойдаланишдаги табиий газни қонунга хилоф тарзда, ҳеч бир ҳужжатсиз улаб, фойдаланишни йўлга қўйган экан. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан унинг ноқонуний қилмиши фош этилди. Маълум бўлишича, таъминотчи қорхонага 15 миллион 120 минг сўм миқдорда зарар етказилган.

Маъзур ҳолат юзасидан фуқаро Н.Шароповга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига асосан тегишли жазо тайинланди.



## Пора қилмишни ёполмади

Мажбурий ижро бюросининг Шайхонтоҳур туман бўлими суриштирувчиси томонидан тумандаги қандоқли ишлаб чиқариш цехларидан бирида ўтказилган текширишда цехда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиши оқибатида 116 миллион 900 минг сўм миқдорда зарар етказилганлиги аниқланади.

Қилмиши фош бўлган тадбиркор Алишер Валиев негадир зарарни қоплашни эмас, суриштирувчининг "қўйнига қўл солиб кўриш"ни маъқул қўрди. Суриштирувчини секин четроққа тортиб, зарарни камайтириб берса, уни "қуруқ" қўймаслигини, бу орқали 5 миллион сўм ишлаб олиши мумкинлигини айтади. Бу ҳолат бўйича жиноят иши кўзга тилимаслиги учун яна 5 миллионнинг баҳридан ўттишини билдиради.

МИБ суриштирувчисининг билдиргиси асосида 2018 йил 1 декабрь куни Мажбурий ижро бюросининг Шайхонтоҳур туман бўлими ва туман прокуратураси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда Алишер Валиев текширишда аниқланган қоидабузарлик бўйича зарар

Абдуҳаёт ШОКИРОВ,

МИБ Шайхонтоҳур туман бўлими бошлиғи

ни камайтириб кўрсатиш ҳамда маъзур тўпланган ҳужжатлар бўйича жиноят иши кўзга тилимаслиги эвазига пора тариқасида 10 миллион сўм берган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Шу кунга яна бир пора бермоқчи бўлган шахсга нисбатан ҳам тезкор тадбир ўтказилди. Гап шундаки, суриштирувчи Ипақчилик илмий-тадқиқот институтида ҳам текшириш ўтказганида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш натижасида давлатга 399 миллион 170 минг 112 сўм зарар етказилганлиги аниқланди.

Қоидабузарлик аниқланган, институт бош энергетиги И.Нажмидиновнинг "пайтавасига қурт тушиб" қолди. Дарҳол суриштирувчи билан "келишиш"га ҳаракат қилиб, 2 000 АҚШ доллари эвазига уни ўз томониغا оғдирмоқчи бўлади.

Мажбурий ижро бюросининг Шайхонтоҳур туман бўлими ва туман прокуратураси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда бош энергетик институтида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолати юзасидан ўтказилган текширишда аниқланган қоидабузарлик бўйича зарарни камайтириб кўрсатиш ҳамда маъзур тўпланган ҳужжатлар бўйича жиноят иши кўзга тилимаслиги эвазига таклиф қилинган суммадан 450 минг сўмини берган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 211-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзга тилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



## Ҳам ижро, ҳам савоб

Оиладаги нотинчлик, ажримлар сабаб фақат эр-хотин азият чекмайди. Бундай ҳолатларда ўша оила фарзандлари — эртаминз эгалари бўлган ёшлар камолоти ҳам сўроқ остида қолади. Айнан шу жиҳат ҳар бир оиланинг равнақи мамлакат тараққиётига дахлдор эканини англатади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича мунтазам чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ажримлар камайиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Чунки, ажримлар борасидаги рақамлар бу масалага янада жиддий ёндашушни талаб қилмоқда. Бу борада давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятида фақатгина иш юритишдаги ижро ҳужжатлари бўйича мавжуд алимент қарздорликларини бартараф қилиш билан чекланмай, балки тушунтириш-тарғибот тадбирларини олиб бориш орқали оилаларнинг яраштирилиши ва фарзандларнинг ота-онаси бағрида камол топишини таъминлаш ҳам устуворлик касб этмоқда.

Мажбурий ижро бюроси ходимлари ҳам ана шундай хайрли ишга қўл уришди. Алимент билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш жараёнида қонун талабларини тушунтириш усули самара бериб, қўллаб оилалар яраштириб қўйилмоқда.

Жорий йилнинг январь ойи домида 47 та шундай оила ўзаро ярашишни лозим топди. Бундай оилалар сони Нарпайда 13 тани, Пайриқанда 12 тани, Иштихонда 6 тани, Каттақўрғон шаҳрида 5 тани, Каттақўрғонда 4 тани ва Қўшрабтода 3 тани ташкил этди. Тикланган оилалар эса бундан мамнун.

Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг буйруғига асосан қарздор Р.Бердиевдан ундирувчи З.Бозорованинг фойдасига 3 нафар фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент ундирилиши лозим эди. Мажбурий ижро бюроси ходимлари олиб борган тушунтириш ишлари натижасида бу оила ярашди.

Алиментдан қарздорлар А.Амиркулов ва Б.Эргашовдан алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари юзасидан ҳам аввал тарафлар билан суҳбат ўтказилди. Суҳбатдан сўнг бу икки оила ҳам ярашгани қувонарли ҳолдир.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг буйруғига асосан қарздор Б.Исमतовдан фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент ундирилиши лозим эди. Мажбурий ижро бюроси ходимлари олиб борган тушунтириш ишлари натижасида бу оила ҳам тикланди.

Уқун БУТУНОВ,

МИБ Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Мажбурий ижро бюросининг Чирчик шаҳар бўлими томонидан воёга етмаганлар ва моддий таъминотга муҳтож фуқароларнинг фойдасига алимент ундирувлари билан боғлиқ ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.


Бўлим иш юритишда ушбу йўналишда 1 702 та ижро ҳужжати мавжуд бўлиб, ўтган йилда 326 та оиланинг ўзаро келишганлиги сабабли уларнинг ижро ҳужжатлари тегишли тартибда тамомланган. Алимент тўлашдан қасддан бўйин товланган 6 нафар фуқарога эса тегишли судларнинг қарорлари билан 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланган. Шунингдек, 438 нафар қарздорнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш ҳуқуқлари вақтинча чеклаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги "Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз эллик баробари миқдорда алимент пулларини олдиндан тўлаб берган 2 нафар қарздорнинг мамлакатимиз ҳудудидан чиқиш чеклови бекор қилинди.

Зиммамизга нафақат алимент пулларини ундириб бериш, балки оилаларни яраштириш каби вазифалар ҳам юклатилган. Тушунтириш ишлари натижасида жорий йилнинг январь ойида 6 та оиланинг ярашиб, бирга яшашга эришилди. Мисол учун, суд буйруғига асосан қарздор А.А.Маннаповдан ундирувчи Ф.С.Маннапова фойдасига икки нафар фарзанди таъминоти учун алимент ундириш белгиланган эди. Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида оила ярашди. Ижро ҳужжати эса қарздорнинг иш жойидан қайтариб олинди.

Хасан ОҢДАЕВ,

МИБ Чирчик шаҳар бўлими бошлиғи





## FAOLIYATIDAN

**Кундалик ҳаётимизда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ўрни катта. Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда ҳам ушбу турдаги маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш талаб этилади.**

Шифокорлар эса рақамлар орқали шундай тавсия беришади: ҳар бир инсон йил давомида ўртача 45-50 килограмм гўшт маҳсулотлари тановул қилиши лозим. Юртимизда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг кундалик овқат рақонимиздан мукамал ўрин олишини таъминлашда катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимиз-


# Соғлом бўлишни истайсизми? Унда сифатли маҳсулот истеъмол қилинг

нинг "Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори айнан шу мақсадлар рўйбига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Гўшт маҳсулотларини етказиб бериш, қайта ишлаш ва сотиш чоғида санитария-ветеринария талабларига риоя этиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бежизга ота-боболаримиз ҳалолликка алоҳида эътибор қаратишмаган. Бу амалга ошираётган фаолиятимизда тозалик-озодлик, саришталлик сингари эзгу қадриятларимизга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини англатади. Демак, гўшт маҳсулотларини етказиб бериш, уни қайта ишлаш ва сотишда тиббиёт ходимлари тили билан айтганда, ветеринария-санитария, гигиена масалаларига бирламчи вазифа сифатида қараш лозим.

Аммо ушбу ҳаётий зарурат аксарият ҳолларда соҳа мутасаддилари эътиборидан четда қолмоқда.

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Инспекциянинг Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 сентябрдаги "Республика аҳолисини қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларида учрайдиган юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш чоғида ветеринария-санитария талабларига риоя этиш тўғрисида"ги Қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2018 йил 14 ноябрдаги "Вилоят аҳолисини қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларида учрайдиган юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда гўшт маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишда



ветеринария ва санитария талабларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан назорат тадбирлари ўтказилган. Унда вилоятда эпизоотик ҳолат барқарорлигини таъминлашда, чорва ва паррандалар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда, чорва молларини сўйиш ва сотишда амалдаги санитария-ветеринария талаблари қўпол тарзда бузилиши ҳолатлари аниқланган.

Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, чорва молла-

**Абдували ХУДОЁРОВ,**  
Инспекциянинг Самарқанд вилоят бошқармаси бўлим бош инспектори

рининг ноқонуний тарзда фаолият юритаётган қушхоналарда сўйилишининг олди олиниб, гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш ва сотишда ветеринария-санитария талабларига қатъий амал қилиниши таъминланди.

Инспекциянинг Самарқанд вилоят бошқармаси аралашуви билан вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ветеринария бошқармаси, деҳқон бозорлари раҳбарларидан иборат жами 18 нафар масъул ходимга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан жами чораси қўлланилди ва фаолиятда жиддий камчиликларга йўл қўйган ходимлар оғохлантирилди.

## Пахта толаси талон-торож этилди

Маълумки, далаларимизда етиштирилган пахта ҳосили ҳудудий пахта тозалаш корхоналарида дастлабки ишловдан ўтказилиб, тола той ҳолатига келтирилади. Улар минтақавий пахта терминалларида сакланиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва экспортга етказиб берилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекция мутахассислари томонидан "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖда сақланаётган ва турли йилларда ишлаб чиқарилган жамият маҳсулот қабул қилиш сектори омборчиси А.Х жавобгарлигидаги тола тойлари қайта ўлчов-

**Олимжон МИРЗАЕВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекция бош инспектори

дан ўтказилди. Ўлчовларда 2007-2013 йиллар ҳосилидан қолдиқ бўлиб келаётган тойлардан "Жарқўрғон пахта тозалаш" АЖнинг 334,8 миллион сўмлик 55,9 тонна ва "Шўрчи пахта тозалаш" АЖнинг 226,6 миллион сўмлик 13,3 тонна, жами 69,2 тонна 561,4 миллион сўмлик пахта толаси камоматида йўл қўйилганлиги аниқланди.

Маъмур ҳолат юзасидан Инспекциянинг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан Жиноят кодексининг тегишли бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

## Омонатга хиёнатми?

Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашни устидан назорат қилиш инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида "Кўнгирот ун заводи" АЖнинг қинғирликлари ошқор бўлди.

Маълум бўлишича, жамият томонидан шартномавий муносабатлар асосида ишлаб чиқариш учун қабул қилиб олинган жами 1 700 тонна шולי ҳосили шарҳнома асосида Б.А.нинг жавобгарлигида берилиб, Конлик тумани, "Жайхун" ОФЙ

**Жанар ЕРМАШЕВА,**  
Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бош маслаҳатчиси

ҳудудидаги омборга жойлаштирилган.

"Ўздонмаҳсулот" АК бошқарув раиси буйруғига асосан Б.А.нинг жавобгарлигидаги шоленинг кириш ва чиқими инвентаризациядан ўтказилганида, қиймати 1 миллиард 177 миллион 141 минг 861 сўмлик камомат аниқланди.

Маъмур ҳолат юзасидан Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

## Қалбаки паспортлар

Баъзи одамлар ўзларини ҳар ишда "уста" санаб, қонунга осонгина чап берман деб ўйлашади. Бироқ, қонуннинг нигоҳи ўткирлигини қилмишлари фош бўлгандагина англаб етишади.

Шундай кимсалардан бири Фарғона вилояти Бувайда туманида яшовчи Ф.З. ўтган йилнинг ноябрь ойида Риштон туманида яшовчи 4 нафар фуқаронинг номига трактор ва тиркамаларни расмийлаштириш учун қалбаки равишда тайёрланган техник паспортлар ва олди-сотди шартномаларини Инспекциянинг Риштон туман бўлимига тақдим этган вақтида ашъвий далиллар билан ушланган эди.



Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги "Республикада хориз тажрибаси асосида аччиқ қалампир етиштиришни қўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси назорат тартибда ўтказилди.

Аниқланишича, 431 та фермер ҳўжалиги томонидан қўчат етказиб бериш учун "D.D." МЧЖ ҳисоб рақамига 3 миллиард 148 миллион сўм маблағ ўтказилди. Бироқ жамият на

Маъмур ҳолат юзасидан ўтказилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида фуқаро Ф.З. ўз айбига иқдор бўлиб, ушбу қалбаки ҳужжатларни Андижон шаҳрида яшовчи Г.Г. дан 200 минг сўмга сотиб олганини билдирди.

Унинг аризасига асосан ўтказилган тадбирда Андижон шаҳрида яшовчи Г.Г. таниши Ф.З.га фуқаро Х.А. номига "Т-28х4м" русумли тракторга эгаллик ҳуқуқини берувчи қалбаки техник паспорт ва олди-



**Умиджон СОЛИЕВ,**  
Инспекциянинг Фарғона вилоят бошқармаси бош инспектори

сотди шартномасини 200 минг сўмга сотаётган вақтида ушланди.

Маъмур ҳолат юзасидан фуқаро Г.Г. ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## Пули "унган", ўзи унмаган кўчатлар

**Зоҳиджон СУБИРОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекциянинг бўлим бошлиғи

нафар кўчат етиштириб берувчиларга жами 2 миллиард 619 миллион 400 минг сўм пул маблағларини тўлаб бермайдди.

Маъмур ҳолатлар юзасидан "D.D." МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига юборилди.

14-ФЕВРАЛ 2019-Й. ҲУҚУҚ № 7 (1152) 11

**HUQUQ**  
YURIDIK GAZETA

**Muassis:**  
**O'zbekiston**  
**Respublikasi**  
**Bosh**  
**prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Djaxongir MIRSAFAYEV  
Suraayo RAHMONOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
Kamoliddin ASQAROV

**Tahririyat manzili:**

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53, 233-64-85  
Web site: www.huquq.uz  
E-mail:  
info@huquq.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
□ — tijorat material.

Nashr ko'rsatkichi  
231

Buyurtma №3133. 21 272 nusxada bosildi.  
Og'og' bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teritildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Nashrbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA  
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV  
Bosmoxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 12 34 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbaa va axborot agentligi 2009-yil 12-aktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617





## ФАЛОКАТ БОШ УСТИДА

Маргилон шаҳрининг собик ипакчилик комбинати ўрнида барпо этилган буюм бозори (Янги бозор) этаги Тошлоқ шаҳарчасининг М.Шерматов кўчасига бориб тақалади. Электр тармоғи объектларини муҳофаза қилиш қоидаларига биноан бозор худудидаги юқори кучлинишли таянчлар олиб ташланган. Электр линияси қайтадан ерости кабели орқали бозор ортидаги подстанция ва юқори кучлинишли электр таянчига боғланган.

Исроил ИБРОХИМОВ,  
"Нуқуқ"

ратларда кўриб турганидек, муҳофаза худуди қоидаларига зид равишда бозор ортидаги 35 киловольтли ҳаво линияси таянчи остида ҳовли-уй, дўкон, ҳожатхона жойлашган.

"Электр тармоғи ҳўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидалари"нинг 3-боби, 15-"г" бандига кўра электр узатиш ҳаво линияларининг муҳофаза зонасида болалар ва спорт майдончаларини, стадионларни, бозорларни, савдо шохобчаларини, дала шийпонларини, моллар учун кўраларни, ҳар қандай турдаги машина ва механизмлар учун гаражлар ва турар жойларни жойлаштириш, ўрнатилган тартибда рухсат этилган ишларни бажариш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай тадбирларни ўтказиш тақиқланади. Шу тариха электр узатиш линиялари шикастланиши, энг муҳими бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинади.

Муаммо бартараф этилиши учун қарор кучга киришини кутиб ўтириш шартмикан? Унгача бирор фалокат юз бермаслигига ким қафолат бера олади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги қарори билан тасдиқланган, расмий эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга кириданган "Электр тармоғи ҳўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидалари"га биноан электр узатиш ҳаво линияларининг муҳофаза зоналари - 2 метрдан 30 метргача этиб белгиланган. Хусусан, 35 киловольт кучлинишли линиянинг икки томони бўйлаб муҳофаза зонаси 15 метрдан иборат. Су-

### "Нуқуқ" газетаси тахририяти тажрибали мусахҳиҳ (корректор) ва саҳифаловчи-дизайнерларни ишга таклиф қилади.

Номзодлар ўзи ҳақидаги маълумотнома (резюме)ни [huquq\\_vakant@mail.ru](mailto:huquq_vakant@mail.ru) электрон почта манзилига 28.02.2019 йилгача юборишлари лозим.



## ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ

### ТИЗИМИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛДИ

Мамлакатимизда фаол инвестициявий сиёсат юритилиши, ислохотлар амалга оширилиши натижасида хориждан янги технологиялар, илғор тажрибалар кириб келмоқда. Бу жараёнда тижорат банклари ўз инновацион хизматлари билан фаол иштирок этаётганлиги янада аҳамиятли бўлмоқда.

"Агробанк" АТБ томонидан ҳам бу борада муҳим қадамлар ташланиб, жаҳон бозорининг етакчи компаниялари, молия муассасалари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш бора-бора амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, "Агробанк" акциядорлик тижорат банки Туркиянинг "Актив банки"нинг UPT халқаро пул ўтказмалари тизими билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Энди UPT халқаро пул ўтказмалари тизими орқали миҳозлар ўтказмаларини тез ва арзон нархларда амалга оширишлари мумкин бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, "Актив банки" Туркиянинг энг нуфузли хусусий банкларидан бири бўлиб, бизнесни қўллаб-қувватлаш, инновацион гоёларни ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий секторда катта лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этиб келади.

UPT халқаро пул ўтказмалари тизими Туркияда 10 мингдан зиёд, дунёнинг кўплаб давлатларида 400 мингдан ортиқ шохобчаларига эга.

Банк матбуот хизмати

## ТАВАЛЛУД АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Узоқ йиллар давомида прокуратура органларида хизмат қилиб, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Кундузхон Исҳоқова табарруқ 70 ёшни қарши олмақда.



У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, Яккасарой ва Мирзо Улугбек туманларида прокурор катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Кундузхон Исҳоқованинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Кундузхон Исҳоқова, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

### 32 йил давомида прокуратура органларида хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Насриддин Нуруллаев кутлуг 60 ёшни қарши олмақда.



чилик туман прокурорининг ўринбосари, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Когон туман прокурори, Бухоро шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Камтарлиги, фидойилиги, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматиغا сазовор бўлди.

Насриддин Нуруллаевнинг узоқ йиллик хизмат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Насриддин Нуруллаев, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, дастурхонингизга тўкинлик тилаймиз!

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Газли туман прокуратурасида иш ўрганувчи, Ромитан туман прокуратурасида терговчи, Бухоро вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғи, катта терговчи, терговчи, Олот туман прокурорининг ёрдамчиси, Қорақўл туман прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, Тўқима-

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

### Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Илҳом Негматов кутлуг 60 ёшни қарши олмақда.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи, Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи, Департаментнинг Тошкент туман бўлими бошлиғи лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Айни пайтда Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармасида катта инспектор вазифасида фаолият юритаётган Илҳом Негматов ёш ҳуқуқшунос ходимларга касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатиб, уларга устозлик қилиб келмоқда.

Илҳом Негматовнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб,



бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Илҳом Негматов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийхат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти жамоаси

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти жамоаси Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси катта криминалисти Базар ЖУМАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси

Тура НОДИРШАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.